"САЙКО" ЧЕТГА МОЛ ЧИКАРМОҚЧИ

ҚАШҚАДАРЁ. Италиянинг "Сайко" компанияси президенти Авурилио Чуччи, "Ўзиталмед" қўшма корхонаси директори К.Абраев ва вилоят ҳокими О.Пармонов имзолаган шартномага кўра, вилоят марказида МДҲда ягона ҳисобланган завод қуриладиган бўлди. Мақсад инфузион эритмалар ва гидроскопик пахта ишлаб чиқарувчи бу корхонани ишга туширириб, қон ўрнида ишлатилувчи суюқликлар, пахта ва бошқа дори-дармонларнинг бир қисмини четга чиқариш. Корхона келаси йилдан махсулот бера бошлайди.

Юнус УЗОҚОВ.

15 ИЮЛЬ

СОЯДАН... СУТ

АНДИЖОН. "Андижонёғмой" ҳиссадорлик жамияти жамоаси саъй-ҳаракати билан янги махсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Жамият бошқаруви раиси Абдувоҳид Сотиболдиев бош мухандис Ваҳоб Абдуллаев билан Краснодар машинасозлик бирлашмасида бўлиб, соя донидан сут олиш технологиясини ўрганишди. Россия—Канада қўшма корхонасида тайёрланган, соятисут олиш технологиясини ишга тушириб, сидан сира колишмайди. Бундай сут табиий-фойз. Ундан пишлоқ, ёғ, қатиқ тайёрлаш мумкин. Махсулот колдиқларини хамирга қўшиб нон ёпилса, айниқса мазали бўлар экан.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

БЕБАҲО ФАСЛЛАР

СИРДАРЁ. Вилоятнинг маркази — Гулистон шаҳридаги санъат кошонасида "Она-диёр фасллари" тасвирий санъат кўргазмасига қўйилган манзара асарлари сарқуёш ўлкамизнинг бой табиати, осмонўпар тоғлари, гўзал боғлари, ям-яшил далаларида тўрт фасл жозибаси мадҳ этилган. Кўргазмадан мўйқалам усталари Раҳим Аҳмедов, Юрий Ғалдикин, Абдумўмин Юсуповларнинг пейзаж асарларига ўрин берилган. Саратон пишиқчилиги палласида бу кўргазма ташкил этилиши ўзига хос уйғунликдир.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

15 ИЮЛЬ

ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛҒАЙ

ЖИЗЗАХ. Зомин туманида хам истиқлол байрамини муносиб кутиб олишга хозирлик кўрилмоқда. Хусусан, Небўса, Ём ва Қизилсой қишлоқларининг хонадонларида "зангори оловлар" ёнади. Ҳукуматимизнинг 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури бўйича Дўоба қишлоғида 200 қишилга тиббий хизмат кўрсатадиган шифохона фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла гузаринининг ишга туширилиши тоғликлар учун байрамона совға бўлди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 15 июль, сешанба № 82 (22.166).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1993 йил 15 июль — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.***

1994 йил 15 июль — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРдаги «Сименс» компанияси президенти ва бошқарув раиси Х.Фон Пирерни қабул қилди. Суҳбат чоғида республикамиздаги алоқа тармоқларини янгилаш ва такомиллаштириш юзасидан тузилган дастурларни тезроқ амалга ошириш юзасидан келишиб олинди.***

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХҲТ Бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Жанкарло Арагонанинг ушбу ташрифи ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

— ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Хельсинки, Будапешт ва Лиссабон саммитларида иштирок этиб, дунё миқёсида ушбу ташкилот нуфузи ўсаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Ислом Каримов. — Лиссабон саммитида Ўзбекистон қуролли можаролар бўлаётган давлатлар ҳудудига қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш тўғрисида таклиф киритди ва бу таклиф ЕХҲТ томонидан маъқулланди. Биз жаҳон сиёсат майдонидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган бу ташкилотнинг барча тузилмаларида фаол қатнашиш тарафдоримиз.

ЕХҲТ Бош котиби Ж.Арагона Ўзбекистон билан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўртасидаги алоқаларнинг равнақ топаётгани ва фаоллашаётганидан мамнуният изҳор этиб, истиқболда мазкур алоқалар қўлами янада кенгаяжагига умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Норов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

КЎКДУМАЛОҚ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Азиз дўстлар!

Кўкдумалоқ конидаги улкан компрессор станцияси қурилишининг барча қатнашчиларини самимий қутлайман.

Маълумки, Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга. Республикамизнинг бой нефть-газ потенциали Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги имкониятлар ва истиқболлар очади.

Бугун ишга туширилган ноёб станция — бу қурувчилар, монтажчилар муҳандис-техник ходимларнинг, Қашқадарё вилояти меҳнатсевар аҳолисининг, ўз ҳиссаси билан Ўзбекистон индустриясининг яна бир муҳим объектини фойдаланишга топширишни тезлаштирган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасидир. Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли тугалланганлиги халқаро молия ташкилотлари, машҳур хорижий фирмалар ва компаниялар томонидан Ўзбекистонга нисбатан катта ишончнинг яна бир ёрқин исботидир. Ушбу лойиҳанинг ижрочилари — «Дрессер» ва «М. Ю. Келлогг» (АҚШ), шунингдек «Нишо Иваи» (Япония) компаниялари ҳиссасини алоҳида қайд этишни истайман. Республика ҳукумати Ўзбекистоннинг ривожи учун ушбу устувор лойиҳани маблағ билан таъминлашни ташкил этганлиги учун АҚШ ва Японияннинг экспорт-импорт банкларига миннатдорлик изҳор қилади.

Барчангизни Кўкдумалоқ компрессор станцияси фойдаланишга топширилганлиги билан қизғин табриклайман, сизларга мустаҳкам саломатлик, бахт ва янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Кеча Францияда миллий байрам — Бастилиянинг олиниши куни нишонланди.***

* * *

☑ ***Ҳиндистонда мамлакат президентини сайлаш учун овоз берилди. Мамлакат раҳбарлиги лавозимидан кетаётган Шанкар Даял Шарма ўрнига икки номзод бор. Олий мартабага ҳозирги президент ўринбосари, 77 ёшли Кочери Раман Нараянан ва собиқ марказий сайлов комиссияси раиси 65 ёшли Тирунелай Нараянайер Сешан даъвогарлик қилишмоқда. Ҳиндистон конституциясига биноан президент 5 йиллик муддатга сайланади. Сайлов натижалари чоршанба куни кечқурун эълон қилинади.***

* * *

☑ ***Кеча Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кукнинг Москвага расмий ташрифи бошланди. Бу ташриф давомида у ташқи ишлар вазири Евгений Примаков, бош вазирнинг биринчи ўринбосари Борис Немцов, Москва мэри Юрий Лужков ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.***

* * *

☑ ***АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, Польша НАТОнинг энг ишончли ҳамкорларидан бири бўлиб қолади, деди. Бинобарин, Польша марказий ва шарқий Европада катта имтиёзга эга мамлакатлардан биридир.***

* * *

☑ ***14 июль куни 15 тонналик озиқ-овқат ортган юк самолёти ўз фарзандларини қидираётган россиялик оналарга, шунингдек Грознийдаги мактаб-интернатлар ва болалар уйларида тарбияланаётган етим болаларга маҳсулот етказиб бериш учун жўнаб кетди. Айни пайтда Чеченистонда 40 нафар аскар оналари бор.***

ХОРИЖГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

1997 йил 11 июль куни Тошкент банк молия академиясининг 15 нафар тингловчиси ва икки нафар профессор-ўқитувчиси Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатларидан бири Нидерландиянинг Маастрих ўқув ва тажриба марказига ўз билимларини бойитиш, тажриба орттириш учун жўнаб кетдилар. Шу ойнинг охиригача яна 10 тингловчи, икки нафар профессор-ўқитувчи Японияга, 14 тингловчи ва 4 профессор Буюк Британияга ҳамда 12 тингловчи Туркияга юборилади. Айтиш керакки, тингловчиларга хорижда тажриба орттириш фақатгина номи юқорида зикр этилган мамлакатлар билан чегараланиб қолмайди. Академия раҳбарияти шу кунларда АҚШ ва бошқа давлат олий ўқув юртлари вакиллари билан ҳам ўзаро музокаралар олиб бормоқда.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЪЛИМНИНГ ИККИ ЙЎЛИ

ёки ҳадик-гумонларга ўрин йўқ

Бозор иқтисодиётига ўта борганимиз сари ҳаётимизга янги-янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар кириб кела бошлади. Бир пайтлар ота-оналар фарзандларини бирон «ёғлироқ» ўқишга «жойлаб» қўйиш учун қиғир йўллар излар, шу мақсадда емай-ичмай, елиб-югуриб пул тўплар эдилар. Боланинг билими билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Ўзи нолойиқ ўринга ўқишга кириб кетган талабанинг келажакда қандай мутахассис бўлиб чиқиши ҳам унчалар қизиқтирмас эди. Мақсад билим эмас, диплом олиш эди.

Шу тариқа ҳар бир таниш-билиш йўли билан ўқишга кирган талаба, аввало, камида ўзидан кўра кучлироқ билимга эга қайсидир тенгдошининг тақдирига завол булар эди. Қолаверса, диплом олганидан кейин ҳам умр бўйи ўзи нолойиқ жойлар, ҳатто, мартабаларни эгаллашга интилиб яшар эди.

Кетмончиликка лойиқ одам агроном, агрономлик қилиши керак киши кетмончи бўлиб қолишига сабаб шу эди. Оқибатда жамият ютқазарди. Ҳозир, озми-кўпми, шунинг жабрини тортяпмиз ҳам.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, дипломнинг ўзи масалани ҳал қилмас экан. Бизда эса дипломпарастлик ўрта махсус ва олий маълумот олишда ҳам, ҳатто, фан номзоди, фан доктори илмий даражаларига эга бўлишда ҳам авж олиб кетди. Ҳолбуки, аввало, ўша дипломга лойиқ билим, савия, малака керак. Жамиятга мутахассиснинг дипломи эмас, аввало, меҳнати, ақл-заковати зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтила бориши сабабли мутахассислар ўртасида рақобат вазияти ҳам вужудга кела бошлади. Рақобатга бардош беришга фақат дипломнинг ўзигина қалқон бўла олмайди.

Лекин шу нарса қувонарлики, ўтиш даврининг айрим муаммоларига қарамай, аҳолининг фарзандларини ўқитишга иштиёқи, ёшларимизнинг касб эгаллашга интилиши сира-сира пасайган эмас. Аксинча, ҳозир ота-оналар фарзандларининг таълим олиши учун маблағ тўплай бошладилар. Аммо бу пул ғайрийўл билан эмас, ҳалол, яъни қонуний тарзда ўша боланинг ўқишига сарфланади. Хусусий усулда, яъни репетиторлар ёллаб таълим олаётган, ўқишга киришга тайёрланаётганлар қанча. Тўлов-

Низом ва шарҳ

контракт йўли билан эса ота-она фарзанди ёки бирор корхона ё муассаса булажак ходимини ўқитишга кетадиган барча сарф-харажатни кўтаради.

Ўқишга киришнинг бу усулидан мамлакатимизда бир неча йилдан буён фойдаланилянти. Шу йил 1 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида» қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор қабул қилингунига қадар айрим ота-оналар тасаввурида: «Энди иқтидор эмас, пул муҳим. Бундан буён, асосан, пули кўпларнинг фарзандларигина ўқийди. Тўлов-контракт асосида шартнома тузганлар ўтиб кетиб, боламиз ўқишга киролмай қолади. Чунки ҳар бир олий ўқув юрти ҳам харажатларини ўзи кўтарадиган талабани ўқитишдан ҳар тарафлама манфаатдор-да», — деган мулоҳазалар тўгилганининг гувоҳи бўлдик.

Қарор одамларнинг кўнглидаги ана шундай гумон-ҳадикларга батамом барҳам берди.

Келаси ўқув йили учун мамлакатимиз олий ўқув юртлари кундузги ва сиртқи бўлимларига нақд 21 минг талаба давлат гранти асосида, яъни бюджет ҳисобидан ўқишга киради. Булар учун жисмоний ёхуд юридик шахс ўқув юртига маблағ ўтказмайди. Уларни ўқитишни давлат ўз зиммасига олади.

Қарордаги энг муҳим янгилик шуки, ҳар бир мутахассислик бўйича қанча давлат гранти ажратилган бўлса, тўлов-контракт йўли орқали ҳам кўпи билан шунча миқдорда талаба қабул қилиш имконияти берилган. Демак, бу йил яна 21 минг талаба пул тўлаш йўли билан ўқишга кириши мумкин.

Куриниб турибдики, шартнома асосида ўқишга киришни хоҳловчилар сони ҳар қанча кўпайиб кетганда ҳам, ҳар бир таълим йўналиши бўйича давлат гранти асосида талабалар қабул қилинишига дахл этмайди.

Хўш, энди тўлов-контракт йўли билан ўқишга киришнинг қоидалари, давлат гранти асосидаги қабулдан фарқли томонлари нималардан иборат?

Эслатилган қарорда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга зарур ўзгаришлар киритиш юклатилган эди. Олий ва ўрта махсус таълим, Молия ва Адлия вазирликлари ҳамкорликда тайёрлаган, Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом» матбуотда эълон қилинди.

Низом, Жаҳон иқтисо-

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилар экан, нефть ва газ саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришни, мамлакатда ёқилғи мустақиллигига эришишни устувор йўналишлар сирасига киритган эди. Республикамизда бу борада улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ўзлаштириш, Қоровулбозорда қурилиши битказилаётган нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг тубдан таъмирланаётгани шулар жумласидандир.

Кўкдумалоқ нефть конлари мажмуини чўл бағридаги хазинага қиёслаш мумкин. Бу ерда Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Япония мутахассислари ҳамкорликда бунёд этган Кўкдумалоқ компрессор станцияси ишга туширилди. 14 июль куни мазкур иншоотнинг тақдимот маросими бўлди. Унда бир қанча вазирликлар, идора ва ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Маросимни Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг станция қурилиши қатнашчиларига йўллаган табрикномасини республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ўқиб эшиттирди.

Тақдимот маросимида Американинг «Дрессер» Интернэшнл» компанияси президенти К. Аллен, «Бухоронефтгазқурилиш» терсти бошқарувчиси Б. Ҳафизов, Муборак газ саноати бошқармаси бошқарувчиси И. Келиш компрессор станциясининг энг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани, ноёб иншоотнинг қисқа муддатда барпо этилгани, у халқлар ўртасидаги тенг ҳамкорликнинг самараси экани хусусида гапирдилар. Унинг мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади — халқ фаровонлигига хизмат қилажаги хусусида тўхталдилар.

Кўкдумалоқ компрессор станциясининг нафақат МДҲ мамлакатлари, балки бутун дунёда ўхшаши йўқдир. АҚШнинг «М. Ю. Келлогг», «Дрессер» ва Японияннинг «Нишо Иваи» компаниялари иштирокида бунёд этилган бу иншоот олти юз атмосфера босими билан ишлайди. Бир кечакундуздаги иш унумдорлиги 4,2 миллион куб метрни ташкил этади. Қурилишга сарфланган ҳаражат, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, уч ярим йилда қопланади. Энг муҳими, станциянинг муваффақиятли ишга туширилиши Ўзбекистон саноатига жалб этилаётган хорижий сармоялардан самарали фойдаланилаётганини яна бир карра исботлайди ва хорижий шерикларнинг мамлакатимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Қурувчилар станциянинг рамзий калитини фойдаланувчиларга топширдилар. Маросим қатнашчилари корхонанинг иш жараёни билан танишдилар.

Тақдимот маросимида республика Бош вазирининг ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, В. Чжен, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Эскудеро қатнашди.

(ЎзА).

ВАТАННИНГ АЗИЗ ЙЎЛИ

Ҳамро Эгамович Эрматов — ЎзХДП Сурхондарё вилояти кенгаши биринчи котиби, 141-Термиз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат. Фалсафа фанлари номзоди.

— Ҳамро ака, Олий Мажлис сессияларидан қайттанингизда таниш-билишларингиз сиздан қизиқиб нималарни сўрашади?

— Телевизордан камроқ кўриндингиз, дейишади. Бу гапни мен кўпинча сайловчиларимдан эшитаман. Ва бу гапдан, тўғриси, мамнун бўламан. — Демак улар ўз вакилларини диққат билан кузатишади. Яна мамнун бўламанки, бугунги одамлар ҳов саксонинчи йилларидаги съезд ёки сессияларнинг ҳали ўзлари эшитиб, ўқиб кўришга улгурмаган қарорларини кўр-кўрона байроқ қилиб кўчага кўтариб чиқадиган сайловчилар эмас. «Ватан» деган, «Давлат» деган тушунчалар бугунги кунда бошқача. Шу тушунчаларнинг моҳиятини ифодаловчи ҳужжатларга, қонунларга муносабатлари бошқача. Республикамизнинг Олий Мажлиси сиёсий гуруҳларнинг, партияларнинг тортишув минбари эмас, балки ҳақиқий ҳуқуқий давлатнинг табиатига хос бўлган қонунларини илмий-амалий мулоҳазакорлик билан ишлаб чиқишга чоғланган, шунга қодир орган эканини эл кўриб турипти. Олий Мажлисда айтилаётган гаплар, қабул қилинаётган ҳужжатлар одамларнинг рўзғордаги, иш жойидаги, кўчадаги кайфиятини белгилаётганига ишонч ҳосил қилиб турипти.

— Бундай мулоқотлар ҳар сессиядан кейин бўлиб турадими?

— Мен сайловчиларим билан сессия олдидан учрашишни афзал биламан. Парламентда мен қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги қўмитасининг аъзосиман. Биласизки, Ўзбекистонда уй-жой сиёсатига мулоҳазаларим инобатга олинди. Таклиф ва мулоҳазаларим бўлса сайловчилар билан мулоқотларимда шакллланган эди.

Мулоқотларимда, масалан, сайловчиларга парламент фаолияти, қўмитамизнинг ишлари, бошқа қўмиталар ҳақида ахборот қиламан. Бирон қонун лойиҳаси хусусида сўз юритилади. Ва мавзу доирасида одамларнинг фикр-мулоҳазалари ўртага ташланади. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунни тайёрлашда, Меҳнат кодекси, солиқ, фуқаролик кодексини тайёрлашда иштирок қилишларим ҳам менинг ўз сайловчиларим билан қилган маслаҳатларим маҳсулидир.

— Ҳуқуқий маданият тушунчасига мен раҳбарман, бошлиқман деб турган одамларнинг муносабати-чи...

— Ҳуқуқий маданият чорраҳадаги ҳаракатни тартибга солиб турувчи чироқларга ўхшайди. Чироқ палапартиш ёнсами, биласиз нима томоша ҳосил бўлишини.

Қонунни била туриб, уни поймол қилувчилар кўзга ташланиб қолади. Бу ҳолатга минг киши минг хил муносабат билдиради. Мендан сўрасалар, қонунга ҳамма баробар бўйсунмоғи керак деган оддий гапни такрорлайман. Биз жонажон Ватанимизни, элимизни севамиз, деймиз. Бу жўн гап эмас. Масалан, ўғридан нафратланишни билмайдиган одам тўғрини қадрлай билмайди.

Содир бўлиб турадиган қонунбузарликларнинг ташаббускори раҳбарлар бўлиб қолаяпти деган маъно ажратмоқчи эмасман. Яхши ишларимизнинг бошида эл билан ҳамжиҳат бўлиб ишлаётган раҳбарлар оз эмас. Айтмоқчиманки, одамлар ўз раҳбарларига қараб қадам олишади. Мустаҳкам ҳуқуқий давлат барпо этишда собит қонунларни адо этаётган эканмиз, бу жараёнда раҳбарлар уларга намуна, ибрат, етакчи бўлса-муддаошу.

— Демак, раҳбарлар қонунчиликнинг ҳам гапда, ҳам ишда тарғиботчилари бўлишдек бугуннинг долзарб вазифасини ҳам зиммаларига олишса.

— Ҳа, қонунни ҳурмат қилиш қонун тарғиботчилигининг муқаддимасидир.

Дарвоқе, бу ишдан-қонун тарғиботчилигидан партия ташкилоти ҳам ўзини четда олиб турмаётганини эслатмоқчиман. Аввало, бу, партия ташкилотлари қошида ташкил этилган маънавият ва маърифат марказлари фаолиятида кўринади. Яқинда биз, масалан Қизириқ туман партия ташкилоти мисолида кўргазмали семинар ўтказдик. Президентимиз китобларини одамларга ташвиқот этиш, мустақил давлатимизнинг қонунларини тушунтиришда туман кенгаши тўплаган тажриба партия фаоллари билан ўртоқлашилди.

Депутат минбари

Денов туман партия Кенгашининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик юзасидан амалий битимлар тузиб ишлаётгани, бу ҳамкорлик айниқса маҳаллалар фаолияти яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатаётгани ҳам эътиборни тортмоқда.

Вилоятимизда ҳозир 900 дан зиёд бошланғич партия ташкилоти бор, деган гапга кўнглим тўлмайди. 900 дан зиёд бошланғич ташкилот — ишлаяпти. Шунчаки, баҳоли қудрат эмас, имкон излаб, имкон топиб ишлаяпти.

Ишлаётган одамлар эса муродга яқин бўладилар.

Олимжон УСАНОВ суҳбатлашди.

ХВАН МАН ГИМ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг фахрийси, уста пахтакор, ажойиб инсон, Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг фахрий раиси Хван Ман Гим 76 ёшида вафот этди.

Унинг ҳаёти ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти бевосита Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» (собиқ «Политотдел») жамоа хўжалиги билан боғланган. 1953 йилдан то 1985 йилгача шу хўжалик раиси сифатида фаолият кўрсатди. У жамоа хўжалиги асосида иш ташкил этиш ва юксак натижаларга эришишнинг ноёб намунасини кўрсата билди. Ўттиз йилдан зиёд давр мобайнида у раҳбарлик қилган кўп миллатли жамоа қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча кўрсаткичлар бўйича республикадаги етакчи хўжаликлардан бирига айланди. Айниқса, етакчи тармоқ — пахтачиликда юқори натижаларга эришилди. Деҳқончилик маданиятини ошириш, хўжалик аъзоларининг турмуш даражасини юксалтиришга, ободончилик, ижтимоий тармоқларнинг қурилиши ва ривожланишига катта эътибор берилди.

Унинг узоқ йиллик самарали меҳнати юксак ҳукумат нишонлари билан тақдирланди. У республиканинг «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Унинг эл-юрт олдидаги хизматлари, порлоқ хотираси қалбларимизда узоқ яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

ТАЪЛИМНИНГ ИККИ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

диёти ва дипломатия университетини истисно этганда, мамлакатимиздаги қолган барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларига татбиқ этилади.

Олдинроқ айтиб ўтилганидек, тўлов-контракт асосида муайян мутахассислик бўйича талаба қабул қилиш миқдори давлат грантлари миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Қарорнинг 4-бандида кўзда тутилган шарт шуки, тўлов-контракт йўли билан ўқишга кирганлар миқдори давлат гранти билан қабул қилинган талабалар сонидан ошиб кетмаслиги керак.

Низомга мувофиқ, абитуриентлар олий ўқув юртлари қабул комиссиясига ҳужжатлари билан бирга белгиланган намунадаги контрактни ҳам топширадилар. Контракт ўша талабани ўқитишга кетадиган харажатларнинг тўлиқ қийматини тўлашга кафолат ҳисобланади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчилар ҳам тест синовларининг натижалари юзасидан танлов бўйича қабул қилинадилар. Танлов тўлов-контракт асосида кирувчилар учун алоҳида, давлат гранти бўйича кираётганлар учун алоҳида ўтади. Кириш учун қанча балл етарли бўлишини Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул бўйича давлат комиссияси тест жавоблари натижаларига кўра ҳал қилади.

Контракт ўқув юрти билан жисмоний ёхуд юридик шахс (буюртмачи) ўртасида тузилади. Ҳужжатлар билан бирга абитуриентлар жисмоний шахслар учун икки нусха, юридик шахслар учун уч нусхада имзоланган контрактни топширадилар. Абитуриентни талабаликка ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин ўқув юрти контрактни тўлиқ расмийлаштириб, 25 августдан кечиктирмасдан ҳақ тўлаш учун абитуриентга қайтаради. 5 сентябргача ҳақ тўланиши шарт. Шундан кейингина 10 сентябрдан кечиктирмай тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилади.

Хўш, бир талабанинг ўқиши учун қанча пул тўланади?

Бу Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув юртларига эга бўлган тегишли вазирлик ва идоралар билан келишув асосида белгиланади.

Албатта, соҳалар бир талабани ўқитиш учун кетадиган сарф миқдори бўйича ҳам ўзаро фарқланади. Баъзи мутахассисликлар кўпроқ, айримлари камроқ харажат талаб қилади. Шунинг учун бу қиймат таълим йўналишлари бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади.

Сиртдан ўқиш учун кундузги таълим қийматининг 60 фоизи миқдорида маблағ ўтказилади.

Тўланадиган пул миқдори ҳар ўқув йили учун алоҳида белгиланади ва алоҳида тўланади. Лекин бир йиллик миқдорни белгиланган муддатларда бирданига ўтказиш ҳам, икки мартага бўлиб тўлаш ҳам мумкин.

Агар, мабодо, талаба ўз ихтиёри билан ўқишни истамаса, ички тартиб қоидалари, ўқув интизоми бажарилмагани ва фанларни ўзлаштирмаслик учун ёки контракт шартлари бажарилмаслиги туфайли талаба ўқишдан озод қилинса, илгари тўланган маблағ қайтарилмайди.

Энди яна бир савол туғилади: талабанинг ўқиши учун тўланган маблағ қаерга, нимага ва қандай сарфланади?

У, аввало, ўқув юрти даромадига киритилади. Маблағлар ўқув юрти моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини жиҳозлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилганда, барча солиқлардан озод қилинади.

Шуниси борки, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришга сарфланадиган қисми 25 фоиздан ошмаслиги керак. Қолгани асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олиш, таъмир-тузатиш ишларини амалга оширишга сарфланади.

Ўқув юртлари бу маблағларни қандай сарфлаётгани тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ўзлари буйсунадиган ташкилотларга ҳисобот берадилар.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон катта салоҳиятга эга. Табиий фанлар ва математика, гуманитар фанлар, соғлиқни сақлаш, таълим, техника фанлари, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича таълим соҳасига доир 92 таълим йўналиши юзасидан олий маълумот берилади. Жами 60 олий ўқув юрти ишлаб турибди.

Хўш, мамлакатимизга қайси соҳа мутахассиси қанча керак? Буни қандай аниқлаймиз? Тўрт-беш йилдан кейин ҳаёт қандай кадрларга муҳтожлик сезади? Улар ўқишни битириб борганларидан кейин иш билан таъминланадими? Ҳаёт бу ёш мутахассисни ўз бағрига оладими? Бунинг кафолатини ким беради?

Шу муаммоларни кўзда тутиб, қарорда ҳар йили 1 февралга қадар Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ва минтақалар, яъни вилоятларнинг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича таклифлар киритишлари белгилаб қўйилган.

Бундан буён ҳар бир бўлажак мутахассис тақдири ҳақида ўйлаш керак. Биринчидан, ҳаёт учун сув-ҳаводек зарур кадр тайёрлансин ва у умрини бағишлаётган соҳаси ривожига ҳисса қўша олсин. Кейин пушаймон қилиб, ўқиганлари зое кетиб, бошқа соҳада иш излаб, сарсон бўлиб юрмасин. Чунки бундан ўша шахснинг ўзи ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам ютқазади. Иккинчидан, бунинг учун энди унинг савия-малакаси ҳам замон талаблари даражасида бўлсин.

Тўлов-контракт йўли билан ўқишга қабул қилиш бозор шароитида жойларда кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва қондиришни осонлаштиради.

Тўлов-контракт усулининг ҳаётимизга кириб келгани яна бир тарафдан муҳимки, энди биз бир мутахассис тайёрлаш учун ҳам фалон сўмлик маблағ сарфланаётганини англаб-билиб турамиз. Бу эса, ўз навбатида, ўқишнинг қадрига етиш кайфиятини уйғотади. Маблағ сарфлаётган ота-она ҳам, корхона ё муассаса ҳам талаба зиммасига яхши ўқиш, етуқ мутахассис бўлиб чиқишга интилиш масъулиятини юклайди.

Хуллас, мамлакатимизда кадр тайёрлаш соҳасида қатъий ижтимоий адолат йўлидан бориляпти. Ахир фақат пули борлар ёхуд бўлажак мутахассис ўқиши учун маблағ кўчиришга рози бўладиган корхона ё муассаса топа олганларнинг фарзандларигина таълим олса, бундай имконга эга бўлмаган кишиларнинг болаларини ким ўқитади? Иқтидори бўлса, марҳамат, давлат уни ўқитишни ўз зиммасига олади.

Мақсад — қандай қилиб бўлмасин, жаҳоннинг энг илғор талабларига тўла жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш. Чунки тараққиётнинг тақдирини айнан шу кадрлар ҳал этади.

«Узбекистон Республикаси ўқув юртларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом»нинг қабул қилиниши — мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш орасидаги дастлабки, аммо муҳим қадамлардан бири.

Султонмурод ОЛИМ.

Собир Азимовнинг «Халқобод» жамоа хўжалигига раислик қила бошлаганига 12 йилдан ошди. Асли касби ҳосилот бўлган Собир аканинг тадбиркорлиги туфайли ўтган вақт ичида хўжалик нафақат Қоракўл туманида, балки, Бухоро вилоятидаги энг пешқадам жамоа хўжаликларидан бирига айланди. Хусусан, Ўзбекистон истиқлоли туфайли бу ерда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш, айни вақтда, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш учун кенг имкониятлар очилди. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланилаётгани туфайли ютуқлар тобора кўпайиб бормоқда.

Инсон манфаатлари йилидаги ютуқлар ҳам чакки бўлаётгани йўқ. Пилла тайёрлаш йиллик режаси 170 фоизга уддаланган бўлса, дон етиштириш белгиланган 756 тонна ўрнига 786 тоннани ташкил этди.

Шунингдек, хўжалик соҳибкор- боғбонлари 25 гектарлик мевазор боғлар ва 30 гектар майдондаги узумзор боғлардан ҳам белгиланганидан анча зиёд ширин-шакар ҳосил йиғиштириб олишни кўзлаётирлар.

СУРАТДА: Собир Азимов (чапда) ва ҳосилот Усмон ОЧИЛОВ.

Вильям ТЕМИРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 15 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	47,72	1 Норвегия кронаси	8,71
1 Австрия шиллинги	5,16	1 Польша злотийси	19,40
1 Англия фунт стерлинги	109,42	10 Португалия эскудоси	3,61
10 Бельгия франки	17,62	1 Сингапур доллари	44,86
1 Голландия гульдени	32,30	1000 Туркия лираси	0,42
10 Греция драхмаси	2,34	1 Финляндия маркаси	12,26
1 Дания кронаси	9,55	1 Франция франки	10,77
1 БАА дирхами	17,62	1 Швеция кронаси	8,33
1 АҚШ доллари	64,69	1 Швейцария франки	44,10
1 Миср фунти	19,12	1 ЭКЮ	71,68
1 Ирландия фунти	97,94	10 Жанубий Корея вони	0,73
1 Исландия кронаси	0,92	10 Япония иенаси	5,69
10 Испания песети	4,31	1000 Россия рубли	11,18
100 Италия лираси	3,75	1 Украина гривнаси	34,84
1 Канада доллари	47,25	1 Белорусь рубли	2,39
10 Хитой юани	7,80	1 Эстония кронаси	5,10
1 Қувайт динори	213,82	1 Латвия лати	112,50
100 Ливан фунти	4,22	1 Литва лити	16,17
1 Малайзия ринггити	25,42	1 Қозоғистон тенгеси	0,86
1 Германия маркаси	36,37	1 Қирғизистон соми	3,74

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

САМОЛЁТЛАРИМИЗ КЎПАЙСИН

Хабарингиз борми?

Яқинда «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Утган йил ноябрида Европанинг «Аэро-Интернейшнл» компаниясидан сотиб олинган энг замонавий учта тайёрадан бири «РЈ-85» Тошкент-Урганч йўналиши бўйича дастлабки қатновни амалга оширди. Маълумки, бундай туркумдаги замонавий тайёра Ғарб сайёҳлари ўртасида жуда машҳур. Канада, Швеция, Туркия ва бошқа мамлакатларда улардан кенг фойдаланилмоқда. Дарвоқе, бундай тайёра МДҲ мамлакатларининг биронтасида ҳам йўқ. «РЈ-85» 85 йўловчига мўлжалланган, учиш олислиги 2500 километрни ташкил этади. Ўртача тезлиги эса соатига 770 километрдир.

Сардор Артур Раҳмонқулов бошчилигидаги экипаж бошқарган янги тайёра Тошкентдан Урганчгача бўлган масофани 1 соату 20 дақиқада босиб ўтди. Дастлабки парвозда учган йўловчилар тайёрадаги қулайликлардан жуда мамнун бўлдилар. Юртдошларимиздан бири самолёт қўнганда қарсак чалиб, «Шундай самолётларимиз кўпайсин» деб таҳсин айтди. Шу қатновда хорижлик сайёҳлар ҳам кўп эди. Улардан бири 87 ёшли Денис Роиззан хоним эътиборимизни узига тортди. Бу жаҳонгашта аёл асли швед бўлиб, Парижда истиқомат қиларкан. У парвоздан жуда мамнун бўлди.

Дарҳақиқат, «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларига замонавий андозаларда хизмат кўрсатиш шароитларини яратмоқда. Эндиликда юртимизнинг муборак номи ёзилган энг замонавий «Боинг», «А-310» аэробуслари жаҳоннинг турли бурчакларига парвоз этмоқда. Мана энди ички йўналишларда ҳам энг замонавий тайёралар уча бошлади.

Алишер РЎЗИЕВ.

Хатлар

ҲОВЛИМИЗДАН СУВ ОҚСА

Яқин тарихимиздан маълумки, 50—60-йилларда мамлакатимизда чўл-биёбонларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилганди. Ўша вақтда ҳаттоки одам юрса оёға, қуш учса қаноти куядиган сахролар ҳам гулистонга айлантирилган эди.

Ишқилиб, ўша даврнинг чўл-сахросига айланмасин-да, кўчамиз деб, қуйинишади Пскент тумани Проектная (русча ном) кўчасида яшовчи маҳалла аҳли. Бу кўчада 16 та хонадон бўлиб, жуда борса 4 тасиникида жилдирабгина сув оқади холос. Яхшиямки кўчанинг сал нарироғида анҳор бор. Томорқадаги экинларни ва молларни суғоришга ярайди. Аммо одамлар нима қилсин? Ўша анҳор сувини истеъмол қилишсинми?

Бу муаммо ҳақда туман сув таъминоти бошқармасидагилар ўйлаб, бирор чора кўрсалар, маҳалла аҳлининг катта савобига қолишарди. Ахир ёзнинг жазирама кунларида ҳовлингизда ичимлик суви бўлмаса, аҳволинг нечоғлик қийинлигини тасаввур қилинг.

Тоҳир ШОМУРОДОВ, Пскент тумани.

КОСА ТАГИДА НИМКОСА БЎЛМАСИН

Ҳозир бозор иқтисодиёти даври. Ҳамма ўз аравасини ўзи тортиши зарур. Кимдандир ёрдам кутиш, ўзибўларчилигу, беғамликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳоллар юзага келса у корхонами, ташкилотми «синиб» қолиши турган гап. Ҳозир нима кўп — тижоратчи автобус кўп. Бу бир ҳисобдан яхши. Йўловчиларнинг оғири енгил бўлади. Аммо... Косанинг тагида нимкоса деганларидек, бундай «беминнат» транспортларнинг кўпайиши ҳам яхшиликка олиб келмаяпти. Бу билан нима демоқчиман? Бизда маршрут бўйича барча йўналишларда қатновчи автобусларга қараганда тижоратчи автобуслар икки-уч ҳисса кўп. Чипта баҳоси ҳам уларда арзон. Шундай экан йўловчилар ўз-ўзидан арзон транспортлар билан ўз манзилларига етиб олишади. Шахсий автобус эгалари эса давлат хазинасига бир ойда арзимас пул тўлашади. Чўнтаклари қаппаяверади. Биз тарифда кўрсатилганидан кўп пул тўлайверамиз.

Тижорат автобусларини бутунлай йўқ қилиш керак, демоқчи эмасман. Аксинча, маҳаллий раҳбарлар, солиқ ва давлат автомобиль назорати ходимлари шу масалаларни яна бир бор текшириб кўришса ёмон бўлмасди.

Тоғаймурод БЕКМУРОДОВ, Денов шаҳри.

ҚАЧОН ОРАСТАЛИК БЎЛАДИ?

Биз Тошкент шаҳар Бешқайрағоч маҳалла Атоий кўчасидаги 21, 22, 23, 24-уйда яшовчилар ахлатхонанинг нохуш ҳидлари орасида қолдик. Аввалларида ҳар тонг эрталаб махсус машиналар келиб ахлатларни олиб кетарди. Ҳозирги кунга келиб бу нарса йўқолди. Акмал Икромов туман озиқ-овқат бошқармасига қарашли 126-магазин ёнида ахлат уюмлари пайдо бўла бошлади. Буни қарангки, бир пайтлар ўша ерлар салқингина оромгоҳ эди. Шу оромгоҳ ўрнига қурилган фирма ва гузарнинг чиқиндилари ҳам шу ерга ташлана бошланди. Ахир, бу ҳеч қайси СЭС талабларига жавоб бермайдиган ҳол-ку. Қачонгача биз СЭС ходимларининг бепарволиги натижасида ахлат уюмларини босиб юришга, болаларимиз шу атрофда ўйнашга мажбур бўлади. Шу ерда истиқомат қилувчиларни бормаган, учрашмаган жойлари қолмади. Ҳеч бир натижа бўлмади. Ҳозирги кунда бу ерга «Шароф», «Оқ мачит», «Назарбек» кўприклари томонидан ахлат олиб келиб ташлаш одат тусига кириб қолди. Баъзан ўйлаб қоласан, ахлатхона олдида фирма ва гузарга на ҳожат? Наҳотки, 120-сонли озиқ-овқат магазинидагилар ҳамда фирмадагилар бунинг иложини топишолмаса. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида деразаларни очмасликни иложи йўқ. Ахлатхонадан келаётган аччиқ тутунга ҳамда нохуш ҳидларга на ухлай оласан, на дам ололасан.

Маҳалла аҳли номидан Маъсуда ЁҚУБОВА.

Хатларни Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА саралади.

Океания мамлакатлари элчилари билан бўлган учрашувда Камбоджанинг иккинчи Бош вазири Хун Сен ўзининг ҳамкасби — биринчи бош вазир шаҳзода Народом Ранарит билан музокара ўтказиш нияти йўқ эканини маълум қилди.

Шунингдек, у Парижга қочиб кетган шаҳзода Народом Ранаритни ўзининг бошқарувчи коалициядаги ҳамроҳи саналмаслигини айтди.

Айни пайтда Франция пойтахтида яшаб турган Народом Ранарит иккинчи бош вазир билан музокара ўтказишга тайёрлигини билдирди ва таклифи рад этилган тақдирда мамлакатда фуқаролар уруши бошланиши мумкинлигини айтди.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

* * *

Хитойдаги Гуандун вилояти маъмурияти бу ерда истиқомат қилувчи бадавлат фуқаролар зиммасига биттадан камбағал оилага васийлик қилиш вазифасини юклади. Эндиликда улар камбағал оилалар учун ажратилган 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни аниқ мақсадлар йўлида унумли сарфлашда маслаҳатчилик қиладиган бўлди.

Хитойнинг кўплаб махсус иқтисодий мажмуалари жойлашган Гуандун маъмурияти шу йил охиригача вилоятда қашшоқликни йўқотишни муҳим вазифа этиб белгилаган.

***

Пентагон раҳбари Уилям Коэн бошчилигидаги АҚШ мудофаа вазирлиги делегацияси расмий ташриф билан Украинага келди.

Сафар давомида У. Коэн Украина Президенти Л. Кучма, Верховна Рада (парламент) раиси А. Морозов, мудофаа вазири А. Кузмуков билан учрашди.

Бўлиб ўтган музокаралар давомида томонлар Украина-НАТО ҳамкорлиги, Европа хавфсизлиги ҳамда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

ОЗОН ТУЙНУГИ: КОИНОТ ТАҲДИДИ...МИ?

Инсоният яралибдики, табиат билан олишади, табиат қонуниятларини бузади, унга таҳдид солади. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Қадимги дунё тарихини эсланг: инсон аждодлари мамонтларни қандай қириб ташлаганини. Ёки динозаврларни эсланг. Тўғри, уларнинг йўқ бўлиб кетишига олам ўзгаришлари, аниқроғи, иқлимий жараёнлар ҳам сабаб бўлган. Бироқ маълум бир маънода инсониятнинг-да қўли бор.

Бугунги кунда замин ва коинот, наботот ва ҳайвонот оламида нима гап? Инсон деб аталмиш бу жонли тилсимот табиатга яна қандай «каромат»лар кўрсатди? Унинг «каромат»лари шунчалар кўпки... Бир сўз билан айтганда, яна ўша йўқотишлар, қирилишлар давом этмоқда. Ноёб, умуман табиатдан йўқолиб кетиш хавфи борлиги учун бирон-бир ниҳол ёки мавжудотлар рўйхати тузилмаган — «Қизил китоб»и бўлмаган қайси давлат қолди экан? Африка саванналаридаги ҳайвонот оламини авлодлар келажаги учун асраб қолиш ниятида бутун дунё курашмоқда. Атлантика, Тинч, Ҳинд уммонларидаги жонзотлар турли кема, танкер ва алламбало техникаларнинг шовқин ва таъсиридан қирилиб бормоқда. Ер юзида бўлган ва бўлаётган урушлар оқибатида одамзот ва жонзотлар у ёқда турсин, ҳатто табиат азият чекмоқда.

Мазкур асрни техника тараққиёти асри деб атадик. Бу инсониятнинг жуда улкан ютуғи албатта. Бироқ шу техника сабаб атмосфера қанчалик ифлосланмоқда. Нафас олаётган ҳавонинг таркибида аждодларимиз давридагига нисбатан от билан туядек фарқ бор.

Энди эса коинот борлиққа таҳдид солмоқда. Тўғрироғи, бу таҳдид коинотники эмас, балки бу ҳам инсониятнинг оламга таҳдидидан ўзга нарсамас. Гап шундаки, инсон қадами етмаган жойлар — масалан, озон қатламини олиб кўрайлик, заминдан неча минглаб километр олисда, баландда бўлишига қарамай у ҳам одамзот «қилиқлари»дан фарёд чекмоқда.

Мана шу қўргуликларнинг барчасида инсон бош ролни ўйнайди. Бириси бузади, иккинчиси тузатади. Шу важдан ҳам халқаро ташкилотлар — халқаро ёрдам, халқаро муҳофаза қилиш, халқаро ҳамкорлик, яна қандайдир халқаро номи билан боғлиқ ташкилотлар тузилдики, улар келажак учун оламни қандай бўлса шундай авлодлар қўлига топшириш учун кураш олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, гап озон ҳақида. Бизнинг авлод бу ҳақда бундан йигирма йиллар аввал мактаб партасида эшиттанмиз: озон гази атмосферадаги барча газлар ичида ўзига хос хусусиятга эга. Унинг ўзига хослиги шундаки, Қуёшдан келаётган инсон ва умуман жонзот ҳамда наботот олами учун ўта заҳарли ва зарарли бўлган инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурларни ўзига «ютиб» қолади.

Озон муаммоси бугун ё кеча пайдо бўлмаган. Бу муаммонинг илк кўринишлари тарих зарварақларига бориб тақалади. Тўғри, озон кашф этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу асрнинг бошларида — 20-йилларда йирик обсерваториялар ёрдамида атмосферадаги озон гази таркиби ҳақида биринчи марта манбаларга эга бўлинган. Лекин унинг хусусиятларини тўлиқ кашф этиш учун яна учта ўн йиллик керак бўлди. Кейинчалик, яъни 1957—58 йилларга келиб, озонни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш учун Ерда биринчи марта озонни янада кузатиш ва ўрганиш станциялари пайдо бўлди. Бугунга келиб эса бундай станцияларнинг сони дунё бўйича 120 тага етди, шундан 45 таси МДҲ давлатларидадир. 70-йиллардан бошлаб эса уни Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида кузатув ҳамда текширув тадқиқотлари кенг миқёсда бошлаб юборилди ва атмосфера қатламида озон қандай жойлашгани ҳақида аниқ маълумотлар олинди.

Айнан шу сунъий йўлдошлар ёрдамида 80-йилларнинг бошлари, сентябрь-октябрь ойларида Антарктида осмонида озон қатлами камайиб кетганлиги ҳақида илк фактларга эга бўлинди (бу пайтда Антарктидада баҳор эди). Худди шу факт, яъни озон туйнугининг пайдо бўлиши олимларни бу кўринишни чуқурроқ ўрганишга «мажбур» этди. Хўш, туйнук пайдо бўлишининг сабаблари нимада экан?

Озон муаммоси бўйича йирик мутахассис, физика-математика фанлари доктори Игорь Каролнинг таъкидлашича, Антарктидада об-ҳавонинг ўта совиб кетиши, яъни 85 даражагача пасайиши натижасида стратосферада турли бирикмаларнинг ҳосил бўлиш жараёни озон туйнугининг пайдо бўлишига олиб келибди. Бироқ табиатнинг ўзигина бундай вазиятга бош сабабкор бўла олмайди. Негаки, озонни емирувчи кимёвий бирикмаларнинг стратосферада кўпайиб кетиши туйнук пайдо бўлишига олиб келган экан, демак, ўз-ўзидан савол туғилади: энг соф ва тоза Антарктида осмонида емирувчи бирикма — хлор қаёқдан пайдо бўлмоқда?

Маълумки, хлор ва бром оксидлари ҳамда бошқа озонни емирувчи бирикмалар — фреонлар деб юритилади. Фреонлар эса «ҳолодильник» ва «кондиционер» ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Демак, шу фреонлар ердан кўтарилиб, эртами ё кеч, барибир стратосферага етиб боради ва бу қатламда аста ёйилиб, 60-120 йилгача сайёрамиз осмонида йўқолмай «яшайверади».

Олимлар Арктика осмонида ҳам юқори концертрацияли (тўйинган) «тажовузкор» аралашма борлигини аниқлашди. Бу ерда ҳам об-ҳавонинг ўта совиб кетиши натижасида озон газининг тарқоқлашуви кузатилмоқда. Яхшиямки, океаннинг иссиқ суви озон емирилишига ҳозирча мустаҳкам ғов бўлиб турибди.

Бироқ сайёрамизнинг Арктика атрофи сарҳадларида озон таркиби камайган жойлари борлиги, албатта, олимларимизни ўйлантириб турибди. Бунга мисол қилиб Шимолий Европа, Баренц ва Норвегия денгизлари осмонини кўрсатиш мумкин. Бу ерда октябрдан майгача бўлган давр ичида Қуёш деярли кўринмайди. Шунинг учун ҳам бу ерда озоннинг пайдо бўлиши умуман йўқ ҳисоб, бироқ уни емирувчи хлор оксиди, очиқроғи, атмосферани бўлгаш ва ифлослантириш жараёни бир баҳя бўлса-да камаяётгани йўқ.

Маълумингиз бўлса керак, шу йил баҳорда, аниқроғи, февраль-март ойларида Россиянинг шимоли-ғарб сарҳадида озон таркиби одатдагидан камайиб кетгани ҳақида Санкт-Петербург газеталарида кўп ёзишди. Ҳақиқатан ҳам озонни кузатиш марказининг хабар беришича, ўша ойларда Ленинград вилояти осмонида аввалги йилларнинг шу даврига нисбатан озон гази 20 фоизга, айрим кунлари эса 30-40 фоизга камайиб кетган.

Демак, одамзотни ва борлиқни қуёшнинг заҳарли нурларидан асрагувчи озонни муҳофаза қилиш бугунги кунда бутун башарият олдида турган улкан муаммолардан бири. Буни энди-энди тушуниб етмоқдамиз. Шунинг учун ҳам бир қанча мамлакатнинг ҳукумат органлари, давлат арбоблари, халқаро ташкилотлар озонни муҳофаза қилишга бел боғладилар. Бу ишнинг амалдаги кўриниши сифатида 1985 йил баҳорида бўлиб ўтган ва қабул қилинган Вена конвенциясини мисол қилиб келтириш мумкин. Конвенция озон қатламини ўз муҳофазасига олди. Икки йилдан сўнг эса Монреалда Вена конвенциясига мувофиқ 70 та давлат иштирок этган протокол имзоланди. Унга кўра, озонни емирувчи фреон ишлаб чиқариш кескин қисқартирилиши керак. 1990 йили эса яна шу давлатлар вакиллари Лондонда тўпланишиб, 2000 йилдан сўнг атмосферага таҳдид солувчи кимёвий бирикмаларни ишлаб чиқаришни умуман тўхтатиш ҳақида бир тўхтамга келишиб олишди. Энди бу келишувларни фақат амалда жорий этиш қолди, холос. Ана шундагина тоза, мусаффо ҳаводан, инсонга ҳузур бахш этувчи гуллар, барча яшилликлар исидан тўйиб-тўйиб баҳра олиш кафолатига эга бўламиз. Зеро, «озон» сўзининг ўзи ҳам грекча термин бўлиб, «ҳидли», «ёқимли ис» маъносини беради. Шу ёқимли ис сайёрамизни тарк этмаслигининг кафолати эса биз — башариятнинг қўлида.

Алимқул СУЛТОНОВ.
Журналист.

Таиланд АҚШдан 40 миллион доллар ҳажмида қурол-аслаҳа сотиб олиш ниятида. Пентагонга яқинда берилган шу ҳақдаги ариза АҚШ ҳарбий маҳкамаси раҳбарияти томонидан тўлиқ маъқулланди.

«Таиландга қурол-аслаҳа сотиш АҚШнинг ташқи сиёсатига уйғундир. Чунки, бу савдо-сотиқ жанубий-шарқий Осиёда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни мустаҳкамловчи кучлардан бири бўлган дўст мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади», дейилади Пентагоннинг шу хусусда эълон қилинган баёнотида.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

* * *

Шимолий Кореядаги раҳбар органлар Ким Ир Сеннинг буюк хизматлари ва инқилобий ҳаётини абадийлаштириш мақсадида янги «Чучхе» номли тақвим жорий этди. Ушбу тақвим «Буюк доҳий Чучхе қуёши бўлиб чарақлаган» 1912 йилдан бошланади. Ким Ир Сен дунёга келган 15 апрель эса энг катта миллий байрам — Қуёш байрами бўлади.

* * *

Куала-Лумпур шаҳрида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясига (АСЕАН) аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг фавқулодда йиғилиши бошланди. Унда Камбоджанинг мазкур уюшмага аъзо бўлиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Маълумки, сўнгги вақтларда Камбоджада юз бераётган сиёсий можаро ва қуролли тўқнашувлар туфайли мамлакатда фуқаролар уруши бошланиши хавфи туғилди. Шу муносабат билан, АСЕАНга аъзо мамлакатлар Камбоджанинг бу уюшмага киришига кескин қаршилик кўрсата бошлади. Куала-Лумпурдаги йиғилишда ана шу масала узил-кесил ҳал қилинади.

БОСҚИНЧИНИНГ ТОБИ ҚОЧДИ

ФЛОРИДА. Майамидаги дорихоналардан бирига номаълум шахс қўқисдан кириб хужум қилади. Босқинчи ҳеч кимни жойидан жилишга қўймади.

Дорихона ходимидан бор-йўғини шилиб олди. Аммо ўғри 475 долларни нақд олгандан кейин ҳам ҳадеганда кетишга шошилмади.

— Икки таблетка бош оғриқ дориси, — ранги бўзарган талончи инграрди бошини чангаллаб, — яна бир стакан совуқ сув, дарҳол! — деди у қўлидаги тўппончасини аранг тутиб туриб.

Дорихонадагилар босқинчининг айтганини қилишди. Азбаройи ачинишганидан.



Тоғ чашмаси.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

«БИРИНЧИ СУЗИШИМ ЭДИ...»

ГОНКОНГ. Чанг Ли асли денгизчи. Довюрак. Айниқса, бироз қизишиб олса борми, «бир ўзим денгизни сузиб ўтаман»га тушади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ғирт маст бўлгач, кемани ҳеч иккиланмай, авзойи бузилиб, қутуриб турган денгиз қаърига бошлаб кетди.

Лининг кемасини қирғоққа олиб чиқишганида ҳалиям кайфи тароқ экан. Шу аҳволда, у кемасини «чўктирмагани»га ҳамма ҳайрон. Полициячиларнинг айтишича, Чанг Ли илгари ҳеч қачон кемани мустақил бошқармаган экан.

«Биринчи сузишим эди... Қаранг-а, чўкмабман» дея ўз-ўзидан фахрланиб юрибди у.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Америкалик таниқли жаз мусиқачиси, «Қуёшли водий таронаси» фильмининг бастакори Гленн Миллер Ла-Манш устидаги авиа ҳалокатида қурбон бўлгани йўқ. Балки парижлик бузуқ аёл оғушида юрак хасталигидан вафот этган, деб хабар беради Германиянинг «Бильд» газетаси. Унинг ҳақиқий ўлими сабабларини журналист Удо Ульфкотте аниқлади. 40-йилларда шон-шуҳратга бурканган Гленн Миллер ихтиёрий равишда армия хизматига йўлланган ва Европадаги Америка аскарлари ҳузурида концертлар берган. Бироқ 1944 йилнинг 15 декабрида мусиқачи тушган самолёт Лондондан Францияга учаётган пайтда ҳалокатга учраган.

* * *

Британиянинг «Санди Таймс» газетаси ёзишича Кремлда Россиянинг обрў-эътиборини тушираётган хорижий матбуот органларининг «қора рўйхати» тайёрланаяпти дея хабар беради. Бу рўйхат Россиянинг сиёсий ва иқтисодий раҳбариятига тарқатилади. Ушбу рўйхатга биноан раҳбарлар ахборот бермасликлари шарт эмиш. Рўйхатни Американинг «Форбс» журнали ва «Вашингтон Таймс» газетаси бошқариб бормоқда. Франциянинг «Монд» ва Италиянинг «Республика» газеталари ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олган. Рўйхатда ўнлаб нашрларнинг номи бор.

* * *

«Гонконг Стэндарт» газетаси Британиянинг собиқ мустамлакаси, икки ҳафта бурун Хитойга қўшилган мамлакат вакиллари орасида сўров ўтказди. 300 гонконглик мамлакатдан британияликлар чиқиб кеттандан сўнг нималардан қўпроқ хавфсираётганликларини айтишди. Маълум бўлишича, уларнинг 27 фоизи мамлакатда жиноятчилик ва коррупция кўпайиб бориши мумкинлигидан қўрқаётганликларини маълум қилишди. 20 фоизи эса ҳокимият тепасига коммунистлар келгандан сўнг Гонконг иқтисодиётининг ўсиши бирмунча пасаяди, дейишмоқда.

Бермуд учбурчагининг янги сирлари

МАРСДА УЧАЁТГАН «ҚОЧОҚ ЭСКАДРИЛЬЯ»

Дунёдаги ҳар хил шовшувли воқеалар баъзан кишини ўйлашга мажбур этади. «Ўзга сайёралик» одамларнинг ерликлар билан мулоқотлари ҳақида аввалларги ҳам қизиқардик. Ҳозир бу нарсаларни, ҳатто «гаплашган одам»нинг ўзи сўзлаб берсаям унчалар ҳайратланарли эмасдек. Лекин коинот фани билан боғлиқ баъзи сенсацияларни очиғи мен шунчаки эшита олмайман.

Барибир фан-фанда. Унинг ишонарли далилларига баъзан шубҳа қилишга асос йўқдек туюлади.

Бермуд учбурчаги. Тўғрисини айтсам «Бермуд»га кўзим тушиши билан бир жунжикиб кетаман. Иш кабинетимдаги дунё харитасидан бир куни атайлаб «Бермуд учбурчаги»ни чизиб чиқиб «ясадим»да, Майами, Пуэрто-Рикодаги воқеаларни ўқисам ҳам негадир лоп этиб ёдимга «Бермуд» тушаверади. Уни «иблис учбурчаги» ҳам дейишади. Шундай аталганларича бор. Учбурчакнинг ёвузликлари тўғрисида кўп ўқиганман. Ҳеч қачон «ростмикин?» деган фикр кунглимдан кечмайди. Чунки «Бермуднинг янги сирлари» деб ўйлайман, холос.

Олдинлари биз бундай воқеаларни фантастика, хаёлий саргузаштдир дердик. Балки бундай ҳодисалар қаттиқ сир тутилганидан шундай фикрлашга ўрганганмиз. 1945 йилда Бермуд учбурчаги устида ҳаво машқлари олиб бораётган 5 та Америка қирувчи самолётининг тўсатдан «йўқолгани»ни бир вақтлар ҳам аллақаерда ўқувдим...

Давр ўзгарди. Назаримда, энди хорижлик ҳамкасбларимнинг «гап»ларигаям бошқача ёндошадиган бўлдим. Яқинда яна ўша «йўқолган эскадрилья»нинг шов-шувларини ўқидим. Эътироз билдириш қийин. Фалакиёт илми буни қандай изоҳлайди, билмадим.

1945 йилнинг 5 декабрида «Бермуд учбурчаги»да сирли равишда ғойиб бўлган қирувчи самолётларни Марс планетасида «кўришди». Доктор Клод Лудин компьютер телескопи орқали самолётлар Марсга яқин ҳолатда учаётганини аранг илгаб, кўришга улгурганди. Компьютер телескоп фокус линзага «тушган» тасвир-турттa самолётни катталаштириб кўрсатди.

Доктор Клод Лудиннинг астрономиядаги кашфиётини дунё олимлари «илиқ» кутиб олишгани йўқ, албатта. Сир ҳам сақлаб кўришди.

Таниқли фалакшунос олимнинг хотини вафот этди. Баъзилар бу воқеани «хотини ўлгач, у руҳан толиқиб, кўп нарсаларни чалкаштириб юборган» деган гапларни ҳам айтишганди. Швейцариялик «Контакт» — «Мулоқот» ўзга сайёраликларни тадқиқ этувчи илмий гуруҳ раиси Вильгелм Гредергина «қочоқ эскадрилья» ҳақидаги доктор Клод Лудиннинг фаразлари бундан сал олдинроқ «йўлдош» орқали Ойда туриб суратга туширилган «ғалати учувчи-самолётсимон» тасвир»га мос келишини исботлаб берди. «Бу 9-қирувчи гуруҳнинг «қочиб кетган» 5 та эскадрильяси».

Фалакшунос Клод Лудинга келсак. У ўз фикрини қатъий изоҳлашга кўпам уринмади. «Бундан ҳам каттароқ шовшув, эътирозлар кутувдим. Муҳими, бу эмас. «Қочоқ эскадрилья» Марс планетасига тушиб қолган. Бунинг тортишадиган ери қолмади. Лекин қандай қилиб? Шунинг устида бош қотириш керак» Доктор устида балки бош қотираётгандир.

Кашфлар ҳамиша баҳсларга сабабчи бўлган. Барибир «сир» сирлигича қолянти-да. Яна гап Бермуд учбурчагига бориб тақалади. «Ёвуз учбурчак» қанчалик ўз қилмишларини сир тутмасин, бир кун келиб очилар. Бу сенсацияга мен кўпроқ илмий нуқтаи назардан ёндошишни истардим. «Иблис учбурчаги»нинг, «ёвуз»лигиям ростдир.

Ньютон оламнинг тортишиш қонунини қандай кашф қилгани ёдимга келади. Ньютон боғда кетаётиб бошига тушган олмадан қаттиқ чўчиб тушади. Ғурра бошини силаб «Нега энди ерга тушади? Осмонга отилса бўлмасмикин?» дея ўйлайди. Ва олам тортишиш қонунни очиб беради.

Яна Марсда ярим асрдан буён «учиб» юрган самолётларнинг овози келгандек бўлади, қулоғимга. Учувчисиз. Бошсиз чавандоздек. Девордаги дунё харитасидан яна ўша учбурчакни топиб бир қараб қуяман. Барибир ғалати, «сирли», ваҳималироқ туюлади... Негадир ўзим чизиб «ясаган» учбурчакнинг «ёвуз»маслигига сизни ишонтиргим келади.

Саида БОНУ.

БУ САФСАТА ЭМАС

ГФР Президенти Роман Герцог журналистларга турли-туман экспертларнинг маърузаларини эшитиш, унинг учун ҳақиқий азоб-уқубатга айланиб қолганлигини айтди. Чунки бу маърузалар баландпарвоз гаплардан ва илмий терминлардан иборат бўлиб, уларни оддий инсон қабул қилиши қийин. Роман Герцог юқори лавозимли корчалонларни немис эканликларини унутмасликка, шу боис оддий адабий тилда сўзлашиш зарурлигига даъват этди.

* * *

Американинг «Крисчен Сайенс Монитор» газетаси дунёдаги телефон алоқасининг ривожланиши ҳақидаги шарҳни эълон қилди. Халқаро телекоммуникациялар иттифоқидан хабар беришларича, халқаро телефон сўзлашувлари 1995 йили 60 миллиард минутни ташкил этган. Бу 20 йил аввалгига нисбатан 15 баравар кўп. Халқаро сўзлашувларнинг нархи эса пасайиб бормоқда. Масалан, 50-йилларда Бостон билан Лондон ўртасидаги 3 минутлик сўзлашув 12 доллар турарди. 90-йилларга келиб, унинг нархи бор-йўғи 3 долларни ташкил этди.

* * *

Немис олими Клаус Хассельманинг тадқиқотларига кўра, ердаги ўртача ҳаво ҳарорати кейинги юз йил ичида тахминан ярим даражага кўтарилган. Бунда олим инсонларни айбдор, деб ҳисобламайди. Олимнинг ҳисоблашича, иссиқликнинг кўпайиб боришини ҳали яна чуқурроқ ўрганиш керак.

* * *

Чет тилини болалик пайтларида ўрганиш енгил ва самарали. Бунинг сабабларини Жой Хирш раҳбарлигидаги Корнелл университети нейрохирурглари аниқлашди. Олимларнинг айтишича, бош миянинг маълум бир бўлагида хорижий тилларни ўрганиш учун имконият бор. Бу бўлак инсон организмида маълум ёшга етгунча ривожланиб боради. Инсон маълум ёшга етгач миянинг ана шу бўлаги қандайдир ахборотни ўзига сингдира олмайди ва миянинг бошқа бўлакларидаги фаолиятга халақит беради.

БЎЛАДИГАН БОЛАЛАР

Шатранж оламида

Республикамизнинг турли бурчаклари ва қўшни Қозоғистондан келган салкам олтмиш нафар шахматчи иштирок этган, устоз Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган анъанавий турнир мамлакатимиз спорт ҳаётида муҳим воқеалардан бирига айланди.

Турнир тафсилотлари ҳақида сўз юритишдан олдин унинг яна қарор топганлиги, шу кун талабига мос тушганлиги, яъни юксак маҳоратга интилаётган иқтидорли ёшларимиз учун мактаб вазифасини бажарганлигини мамнуният билан тасдиқлашни истардик. Зеро, спорт, хусусан, шахмат борасида ҳеч қандай тайёргарлик тенг ёки кучлироқ рақиб имтиҳонидан ўтиш вазифасини ўтолмайди. Маҳоратга жило берувчи восита — бу амалий мусобақалашишдир.

Баъзи бировлар, буниси аввалги турнирларга ўхшамайди, қани чет эллик донгдор гроссмейстерлар деб, бу хайрли тадбиримизга соя ташламоқчи бўлдилар-а? Унинг қандай саъй-ҳаракатлар эвазига юзага келганлиги билан қизиқмадилар. Эндиликда ҳангоматалабларнинг орзусини амалга оширишдан кўра «кўрпага қараб оёқ узатиш» маъқулроқ кўринади. Айни чоғда имкониятларни бораборa бойитиб бориш хусусида ҳам изланиш, ташаббус кўрсатиш лозим, албатта.

Мусобақанинг биринчи ярми — дастлабки тўрт турдан сўнг бош совринга талабгорлик қилувчилар гуруҳи аниқланиб, улар ўртасидаги баҳс кундан-кун кескин тус ола бошлади.

Ушбу мусобақада қўлланган швейцарча усулнинг асосий хусусияти шундаки, унда тез орада кучлилар бошқалардан ажралиб, муттасил ўзаро баҳс юритиб борадилар.

Бешинчи турда кўпчиликнинг диққат-эътибори халқаро уста Д. Қаюмов билан чирчиқлик ёш миллий спорт устаси Равил Кагиров учрашувида бўлгани рост. Уларнинг биринчиси тўрт ўйинда атиги ярим очко йўқотган бўлса, иккинчиси юз фоиз натижа — 4 очко билан олдинда борардилар.

Одатда бой назарий билимга эга бўлган шахматчиларга қарши исталган дебют тизимини танлаб бўлмайди. Чунки «тўрга илиниб» қолиши ҳеч гап эмас. Д. Қаюмов ана шундай шахматчилардан. Шунга қарамай, чирчиқлик ёш спорт устаси турнир синовларидан кўп ўтган сицилианча ҳолатни қўллашдан тап тортмади. Тахтада юзага келган мураккаб вазият томонлардаги мунтазам равишда етти ўлчаб бир кесишни талаб қиларди. Бу борада Кагиров тажрибакор рақибига ён бермади. Ўзгариб қолган вазиятда мувозанат сақланиб борди. Дурангга кўндилар.

Зални айланиб юриб бирбиридан чиройли ўйинлар кўрсатаётган ёш истеъдодлар: тошкентлик Аҳмад Бобоев, Алим Тошев, Саша Рубинов, Сергей Қаюмов, самарқандлик Алишер Амирқулов, сурхондарёлик Бегали Саидов, тахиатошлик Азамат Доуренбетов ва бошқаларни кўриб севинчга тўламан. Уларнинг ўйинларида ўт чақнайди бамисоли. Бўладиган болалар! Моҳир усталаримиз сафи ана шунақа қобилият соҳиблари эвазига кенгаяди, албатта.

Мусобақанинг бошидан то охирги туригача пешқадамлик мавқеини бой бермаган ёш спорт устаси Равил Кагиров якунловчи учрашув олдидан саккиз имкониятдан етти очко жамғарган ҳолда танҳо сардор бўлиб турар, айни чоғда бир гуруҳ иштирокчилар ундан хиёлгина ортда илдамлардилар. Бош соврин тақдири қандай ҳал бўлишини тўққизинчи тур учрашувлари белгилаши муқаррар эди. Қуръага биноан пешқадам ўз ҳамшаҳари спорт устаси Алексей Белкинга қарши дона сурадиган бўлди. Дўстлар ўртасидаги курашнинг бориши кескинликдан дарак бериб турарди. Бинобарин, муросасиз баҳс бир зум ҳам тўхтамади. Бор имкониятлар ишга солиниб, вазият соддалашгач ҳовридан тушган рақиблар битим туздилар. Д. Қаюмов Б. Саидовни ютиб, пешқадамга етиб олди. Тошев Швецовдан, Қаюмов Турдиқуловдан, Рашитов эса Анорқуловдан енгилди. Қолган йигирмага яқин учрашувларда ҳам иштирокчилар қаттиқ беллашиб, у ёки бу натижани қўлга киритдилар.

Совринлар қуйидагича тақсимланди: тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарган Равиль Кагиров биринчи, шунча очко олган, бироқ қўшимча кўрсаткичлари билан пастроқ Д. Қаюмовга иккинчи, сурхондарёлик Б. Саидовга учинчи, Ю. Швецовга тўртинчи, Н. Турдимуродовга бешинчи ва А. Белкинга олтинчи мукофот топширилди. Аёллар ўртасида энг яхши натижа кўрсатган Елена Крючкова махсус соврин билан тақдирланди. Олти нафар иштирокчи биринчи марта миллий спорт усталигига номзодлик учун белгиланган талабларни адо этди. Мусобақанинг ёпилиш маросимида шахматчиларимиз учун маҳорат мактабини ўтаётган устоз Азмиддин Хўжаев хотира-турнирини мунтазам ўтказиш, иштирокчилар таркибини тобора нуфузлироқ қилиш борасида истак ва таклифлар билдирилди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 15-iyul, seshanba № 82 (22.166).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатталқўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи М. АҲМЕДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

● Одамийлик

МИНГ БИР ҚЎНҒИРОҚ

Эл-юрт дардига малҳам бўлайлик... У севган қушиқ хиргойиси ҳам шу. Дилга туйган муддаоси ҳам шу. Эсини танибдики, одамлар хизматида. Ҳожатбарорлик ишқида. Унинг хузурида бўлиб, қулоғи тинмас бир касбга ошуфта бўлганини эътироф этдик. Бафуржа суҳбатлашишга имкон топмади. Кетма-кет қўнғироқ жиринглайди.

— Алло, Мадиёров, ўзизмисиз? Телефонимизни овози бор, қўнғироғи йўқ...

— Алло, Равшан ака, нега бизнинг телефондаги муомаламиз бир ёқлама...

Бундай «алло, аллоларнинг кети узилмайди. Кимдир аппарати хириллаётгани ҳақида нолиса, бошқаси уни учиб қолгани ҳақида сўзлайди. Буларнинг ҳаммасига жавоб топиш, кўнгил олиш керак.

— Равшан Кенжаевич, шундай «қўйга» тушиб қолганингиздан афсусланмайсизми?

— Йўғ-е, нималар деяпсиз. Аксинча фахрланаман. Сирасини айтганда, мактабда ўқиб юрган чоғларим артист, қолаверса, актёрликни орзу қилганман. Албатта, ёшларга хос романтика кучли бўлган-да. Ўзиям мактабда қандай маданий тадбирлар уюштирилмасин мени рўбарў қилишарди: шеър ўқи, қўшиқ айт, саҳнада одамларни жалб эт... Бир дўстим сира қўярда-қўймай мени алоқа институтига тортмаганда, билмадим.... Мана энди 30 йилдан ошиптики, дипломли мутахассис — алоқачимиз. Ўшандан бери диспетчерман.

— Хотирадан учмас воқеалар бўлганми?

— Кўп марта. Зеро, ҳаммасини эслашга ҳожат бўлмаса керак. Аммо, яхшилик ерда қолмаскан. Бир отахон қўнғироқ қилиб қолдилар.

— Ия, ия, ўглим танимадингиза.

— Таниёлмай турибман-а.

— Болам, Равшанмисиз?

— Ҳа, ҳа.

— Эслангда, 7—8 йил аввал ҳожатимни чиқарган эдингиз.

— Кечирасиз, «шаҳар бердим», деб ҳазилга йўйдим. Қизиқ-да, ахир 85 минг абонентга хизмат қилсам. Ким, нима деб мурожаат қилганини, кимни ҳурсанд қилганман, эслаш қийин. Хуллас, қариянинг гапидан маълум бўлишича, у кишининг менда қиёмат қарзлари бор экан. Яъни яхшиликни қайтаролмаган эканлар. Дуо қилдилар. «Сиз болам, кишиларга яхшилик қилиб, унутадиганлардансиз. Мен эса аксинча. Қилинган яхшиликни унута олмайдиганларданман».

— Ҳурсанд бўлган кунингиз кўпдир-ов?

— Ҳар қалай, талайгина. Биров шеър ёзади, бошқаси янги қўшиқ қуйлайди ва қувончини бошқалар билан баҳам кўради. Мен эса одамларнинг телефонлари узлуксиз ишлашидан завқланаман.

— Кунига неча марта қўнғироқ бўлади?

— Саволингиз қизиқ бўлди. Албатта, санаш қийин. Бир куни ўзим ҳам шунга қизиқиб, махсус мослама ёрдамида мингта яқин бўлганини сезганман. Пойтахтнинг Миробод туманида хизмат қилганимиз билан Сергели, Яккасарой туманлари абонентлари ҳам биз билан муомалада бўлишади.

— Бойликка қандай қарайсиз?

— Тўғри маънода. Ҳозир ҳамма ҳам ҳаракат қилса, бойийдиган замон. Мен ҳам бадавлатман. Шу маънодаки, 80 ёшли отам, 75 га кирган онам ҳаётлар. Бундан ортиқ бойлик бўладими?

— От изини босган тойлардан борми?

— Учинчи ўглим институтда таҳсил олянти...

У киши дилкаш, самимий, очиқ кўнгил, бир сўз билан айтганда оҳанрабоси борлардан. Ўз касбининг фидойиси Равшан Мадиёров ҳамиша дил чироғини ёқишга ошиқади.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Спорт

ҒОЛИБЛАРГА ТЕКИН ГАЗЕТА

Китоб тумани «Ғалаба» газетаси соврини учун волейбол ва теннис мусобақалари ўтказилди. Вилоят сув хўжалиги трестининг тумандаги кўчма идораси волейболчилари жамоаси ғалаба қозонди. Теннисчилар орасида эса оилавий жамоалар беллашуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бунда О. Аннақулова ҳамда Д. Абдуллаевлар оилалари фахрли ўринларни эгаллашди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилиб, уларга олти ой мобайнида туман газетасини бепул ўқиш имконияти берилди.

Юнус УЗОҚОВ.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА

Наманган вилоятида соғлом авлодни тарбиялашга эътибор қилинмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда спорт мажмуаларининг фаолият кўрсатаётгани ҳам шундан нишона. Ҳозир вилоят ҳокими Т. Жабборов қарорига биноан Истиқлолнинг олти йиллигига бағишланган республика қишлоқ хотин-қизлари спартакиадасига тайёргарлик бошланган. Спорт байрами Косонсойда уюштирилади.

Муҳмуджон ПАРПИЕВ.

Внимаию руководителей автопредприятий! Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает к реализации запчасти на автомобили

ГАЗ-24
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Втулки резьбовые
Втулки рессорные
Диск сцепления Г-24
Выжимной подшипник
ГПГ (4 гильз.+ 4порш.)
Главн. тормоз. цилиндр Г-24
Диск сцепления ведомый
Карбюратор К-126Г
Катушка зажиг. Б-117
Кольца поршневые
Накладки тормозные
Отбойники зад. рес.
Панель задняя
Подушка перед. двиг.
Подшипник 203; 7607; 180306
Прокладки гол. блока
Свечи А-11; А-17
Трос спидом. L-1,5—1,6; 2,5
Фильтр маслянный
Шаровые пальцы Г-24.
Шкворня Г-24 с подшип.
УАЗ
Кардан перед. УАЗ-452
Кардан перед. 452
Подшип. перед. ступицы
ГАЗ-53
Амартизатор Г-53
Бензонасос Г-53
Блок шестерен КПП
Вкладыши Г-53
Втулка распредвала
Вал первичный
ГПГ Г-53 (Самарканд)
ГПГ Г-53 (Завольже)
Капот
Клапан впускной
Клапан выпускной
Коленвал Г-53 с вклад.
Корзина Г-53
Накладки сцепления
Накладки торм. задн.
Накладки торм. перед.
Подшипник выжимной
Проклад. гол. блока
Рем. комплект вакуума
Рычаг сцепл. с подшип
Свечи А-11
Стартер Г-53
ГАЗ-52
Вал карданный
Вкладыши шатунные
Головка блока
Карбюратор К-126 «И»
Накладки сцепления
ЗИЛ-130
Амортизатор
Балка перед. моста
Вкладыши компрессора
Втулки шкворней
ГПГ 3-130
Кольца порш. Р-100,5, 101
Накладки торм. прицеп.
Накладки торм. перед.
Пальцы рул. тяги
Подшипник выж. 688811
Поршень палец. Урал
Прок. пауки пер. и зад.
Прокл. всас. колл. бок.
Прокл всас колл. пер.
Прокладка гол. блока
Прокладка клап. крыш.
Ремень клиновый 1103
Рессоры пер., задн.
Синхронизатор 2-3 пер.
Уплотн. трубы глушит.
Шестерни КПП втор. вала
КАМАЗ
Блок двигателя
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Генератор Г-273
Клапан двойной.
Кольца порш. Н. Челны
Крестовина в сборе
Лоб. стекло триплекс
Манжета 5160
Манжета 76/80
Манжета КПП 1230/1238
Накладки сцепления
Накладки торм. КАМАЗ
Плунжерные пары Барнаул
Подшипник опор. 108810
Подшипник выж. 996714
Прокладка ГБК в к-т
Прокладка клап. крыш.
Рем.комплект ПГУ
Рем. комплект ТМВД
Ремкомплект рег. давлен.
Ремкомплект гл. торм. крана
Ремень клиновой 1320
Ремень 8,5-8-1280
Ремкомплект вод. насос
Сальник зад. ступицы
Стартер СТ-142
Термостат ТС-107
Фильтр топливный
МАЗ
Балка передн. моста
Вал карданный 6422 (МАЗ)
Вкладыши шат. ЯМЗ236, 238
Включатель мас. ВК 700
Генератор 208 МАЗ
Пальцы поршневые МАЗ
ТНВД ЯМЗ Г-38
Фильтр топл. гр. очис.
Фильтр топл. тон. очис
Шестерн. вед. борт. пер.
Шестерня ведущ. борт.
ПРОЧИЕ
Автолампы в ассортименте
Болт М-10 L-150
Болт М-12 L-50
Гайка М-10
Гидроцилиндр трактор
Головка блока А-01
Насос гидр. 21016Н
Пистолет заправочный
Трос спид. L-2.5
Трос L-1.5-1.6
Паронит ПОН 0,4; 0,8 мм
Подшипники № 46124
Подшипники № 46216
Сальниковая набивка АПР
Асботкань АТ-1; АТ-3
Слесарные инструменты более 15 наименований.

А также имеется в ассортименте более 300 наименований

Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

РАССОМ НОМИ БЕРИЛДИ

ТОШКЕНТ. Уруш қатнашчиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом Ҳикмат Раҳимовнинг хотираси муносиб абадийлаштирилди. Абдулла Набиев номли маҳалла аҳли мўйқалам устасининг хизматини қадрлаб, унинг номи билан аталувчи кўча бўлишига рози бўлишди. Собир Раҳимов туманидаги «Спутник» кўчаси бундан буён Ҳикмат Раҳимов номи билан юритилади.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ДЎКОНЛАРИ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида мижозларингизни узлуксиз равишда музқаймоқ билан таъминлашни хоҳласангиз,

мурожаат қилинг. Улар сизга қаймоқли, шоколадли, сариёғли, мевали ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган турли музқаймоқларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли билан.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Телефонлар: 93-34-34, 91-30-17, 93-35-55.

СУЮКЛИ ФАРЗАНДНИ АРДОҚЛАБ

ХОРАЗМ. Эл севган ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг 80 йиллик туйи вилоятда зўр тантанага айланди. Меҳмонлар, шогирдлар ва мухлислар ҳофиз яшаган ҳонадонни зиёрат қилишди. Илмий-маърифий конференция уюштирилди. Вилоят филармония биносида санъаткор номи билан аталувчи музей очилди. Урганчдаги ҳофиз номи билан юритилувчи «Ўзбекнаво» эстрадаси биноси олдида ёқимли овоз соҳибининг ҳайкали ўрнатилди.

Амин ЭШМАТОВ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 24-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда МАДЯРОВА Наргиза Абдувоҳидовна номига берилган O'R — A №031118 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фуқаролар, корхона ва ташкилотлар диққатига

"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБОАВДО" ҳиссадорлик жамияти



Асакада ишлаб чиқарилаётган "НЕКСИЯ", "ДАМАС", "ТИКО" автомобилларини таклиф этади.

Тўлов усули: нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125 -уй.